

Саволларингизга ҳуқуқшунос Карим МУХТОРОВ жавоб беради

САВОЛ:
1. Бюджет ташкилотига ишлаётган ходимнинг меҳнат таътили пуллари қандай ҳисоблаб чиқилади? Унга ходим олган мукофот ва қўшимча навбатчилик учун олган пуллари ҳам қўшиб ҳисобланадими?
2. Ходим маъмуриятнинг топшириғи билан навбатчиликда турган бўлса, табиел тасдиқланган иш ҳақи олинган бир неча ойдан сўнг навбатчилик бўйича маъмуриятнинг буйруғи чиқарилмаганлиги аниқланса, ходим олган пуллари қайтариб тулашга мажбурми?

С.Сайдуллаев, Давлат Санитария эпидемиология назорат маркази санитария врачлари.

ЖАВОБ:
 1) Ходимнинг меҳнат таътили пуллари ҳисоблаб чиқаришда, албатта, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарори талабларига тўлиқ риоя қилинмоғи зарур.

Ушбу қарорнинг «ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш тартиби»га кўра таътиллаш вақтига ҳақ тўлаш, ишдан бўшатиш нафақасини, ишсизлик нафақасини тўлаш учун ўртача ойлик иш ҳақи биринчи йил ишловчиларга ҳисоблаб чиқариш кунидаги тарифация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан келиб чиққан ҳолда уларни ўн кундан бирга (олти ой тўлиқ ишлаганларга еттидан бирга; етти ой тўлиқ ишлаганларга еттидан бирга ва ҳоказолар) оширган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Уларга ишбай асосида ишлаб топилган қўшимча иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, иш ҳақида қўшимча ҳақлар ва ихтимол сўғурта бўйича бадаллар ҳисобланадиган бошқа тўловлар кирди.

2) Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 153-164-моддаларида ходимларга меҳнат ҳақи тўлаш тартиблари белгиланган.
 Меҳнат ҳақининг миқдори иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.
 Иш берувчининг топшириғига асосан ходим ўзининг розилиги билан навбатчиликда турган бўлса ҳамда иш вақтини

белгиловчи табиел иш берувчи томонидан тасдиқланган, ходимга иш ҳақи тўланган бўлса, ходим меҳнати учун олган иш ҳақини қайтариб беришга мажбур эмас, бу суммани иш берувчи томонидан ходимнинг иш ҳақидан ушлаб қолинишига йўл қўйилмайд.

Яна шуни ҳам ёддан чиқармаслик керакки, агар ходим иш берувчининг топшириғига биноан навбатчилик қилиши муносабати билан у иш вақтидан ташқари ишга жалб қилинган бўлса (тиббийёт ходимлари ҳафтага 36 соат, нормал мuddати 40 соат), унга бу ишлар учун камида икки хисса миқдорида ҳақ тўлаши зарур.

САВОЛ: мен анча йиллар туман Савдо ходимлари касабаси уюшма кўмитаси раиси бўлиб ишладим, ҳозирда эса 11 йилдан буён «Нон» корхонаси бошлиғиман. Агар ходим меҳнат кодексининг 92-93 моддасида кўзда тутилган ишчи ва хизматчилар

гапирди. Бундай ҳолатда ким ҳақ?

Д.МАДАЯРОВ. Булоқбоши тумани, Нон ишлаб чиқариш акционерлик жамияти бошқарув раиси.

ЖАВОБ: ходимларга



таътил бериш тартиби, вақти, навбати ва уни бошқа мuddатга кўчириш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 133, 143, 144 ва 145-моддаларида батафсил ёритилган.

Таъкидлаш жоиз: ҳуқуқий давлат кураш экан-

моғи зарур. Ходимга 2 йил давомида таътил бермаслик (қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар) ҳамда МКнинг 137-моддасида кўрсатилган меҳнат шартлари ноқулай ва ўзига хос бўлган ишлар учун

бериладиган йиллик қўшимча таътилларни бермаслик умуман таъқиланади.
 Сиз хомашё оморчиси лавозимида ишлаган ходимга 2 йил давомида таътил бермагансиз. (Демак, корхонада таътиллар жадвали йўқ, касабаси уюшма кўмитасининг раиси ходимларга таътиллаш беришни назорат қилмаган). Унинг аризасига асосан таътил бергансиз.

1996 йилнинг 1 апрелидан бошлаб, ходимга касабаси уюшма кўмитаси билан келишилган ҳолда иш берувчи томонидан тасдиқланган йиллик таътил берилади. Ундан ҳеч қандай ариза талаб қилинмайд.

Таътил бериш вақти ҳақида ходим таътил бошланишидан камида ўн беш кун олдин ёзма равишда маъмурият томонидан хабардор қилинмоғи ва таътил бошлангунча қадар таътил вақти учун ҳақ тўланиши зарур.

Ходим таътил тугагандан сўнг ўз иш жойига (лавозимига) ишга тушиши ва бу ўринда иш берувчи томонидан ҳеч қандай тўқилиш қилинишига йўл қўйилмайд.

Ходимни бошқа ишга ўтказиш Меҳнат кодексининг 92-93-моддаларига биноан фақат унинг розилиги билан амалга оширилади. Агар унинг розилигисиз бошқа ишга ўтказилган бўлса, ходим ўз лавозимида ишлагани талаб қилишга ҳақиқ. Шунинг учун туман прокуратурасининг ходим таътилидан сўнг ўз ишга қайтиши шарт, деб ёзган протест кучинийдир.

Шу йилнинг 20 майида ўтказилган умумий йиғилишида ходимларнинг корхонанинг эски хомашё оморчиси номига қарши айтган сўзлари асосидир ва у инобатга олиниши керак эмас. Унинг розилигисиз бошқа ишга ўтказилган шарт. (Меҳнат кодексининг 111-моддаси).

Акс ҳолда Меҳнат кодексининг 275-моддаси талаблари асосида молиявий жиҳатдан жавоб беришга тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида

(Боши 1-бетда)
 дастурларини ишлаб чиқиш жадвалини ва дастурлар таркибини тасдиқласин; ишлаб чиқилмаган дастурларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг мазкур қарорда белгиланган мақсадли кўрсаткичларига эришиш учун зарур чора-тадбирларни, уларнинг бажарилиши учун масъул ишчиларни ва маблағ билан таъминлашнинг аниқ манбаларини назарда тутсин;

ишчи гуруҳларнинг таркибини белгиласин ҳамда мазкур қарор билан тасдиқланган Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурида назарда тутилган қонун лойиҳалари ишлаб чиқилишини ташкил этсин.

3. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги:

Вазирлар Маҳкамасининг Таъкидлаш жоиз: ҳуқуқий давлат кураш экан-

шқа дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш бўйича тендерларда иштирок этиш; компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш масалалари юзасидан бошқарув органлари, бюджет ташкилотлари ва хусусий бизнесга кенг миқёсдаги ахборот, сервис ва консалтинг хизматлари кўрсатиш;

ҳар чоракда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг ҳақиқатини таъминлаш мақсади билан таъминлаш бажарилишига қўйилган талабларни назорат қилиш; ҳар чоракда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг ҳақиқатини таъминлаш мақсади билан таъминлаш бажарилишига қўйилган талабларни назорат қилиш;

5. Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

2002 йил охиригача Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш дастури амалга ошириш ҳақида жорий этиш марказининг кўмағида маҳаллий идоравий компьютер тармоқларини ташкил этиш дастури ишлаб чиқсинлар, уларнинг Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида экспертизадан ва синовдан ўтказилишини ташкил этсинлар, шунингдек ички электрон ҳужжатлар айланишини бошқариш-бошқич жорий этиш, ахборот ресурсларини Интернет тармоғига жойлаштириш ҳолда уларни шакллантириш ва доимий равишда янгиланувчи бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар;

2002 йилнинг охиригача тегишли давлат бошқарув органлари аппаратларининг масъул ходимларига замонавий компьютер ускуналарида, шу жумладан маҳаллий компьютер тармоқларидан, шунингдек Интернет тизимидан фойдаланган ҳолда ишлагани бошқариш-бошқич ўргатиш тадбирларини амалга оширсинлар.

2002 йилнинг охиригача ўзларининг фаол ишлайдиган веб-саҳифаларини яратсинлар, уларни Интернет тармоғига жойлаштирсинлар ва келгусида уларни мунтазам янгиланувчи бўйсинлар.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари дастурий воситаларни ишлаб чиқиш, провайдерлик, хостинг, Интернет хизматлари кўрсатиш, маълумотларнинг ахборот базаларини, веб-сайтларни шакллантиришга доир хизматлар кўрсатиш, компьютер техникасига сервис хизмати кўрсатиш, маҳаллий тармоқлар яратиш

бўйича хусусий компаниялар ташкил этишга ҳар томонлама қўмаклашсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

Ихтисослаштирилган олий ўқув юртида, касб-ҳунар коллежларида ва академик лицейларда дастурий воситаларни, маълумотларнинг ахборот базаларини, мультимедиа, компьютер техникасини ишлаб чиқиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича ихтисослаштирилган факультетларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни методологиялар ва кадрлар билан таъминлаш учун молиявий ресурслар ажратилишини назарда тутсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда умумтаълим мактабларининг барча ўқувчиларини ва талабаларни компьютер ва ахборот технологиялари билан ишлашга кенг қўламада ўқитишни таъминласин;

9. Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

2002 йил охиригача Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш дастури амалга ошириш ҳақида жорий этиш марказининг кўмағида маҳаллий идоравий компьютер тармоқларини ташкил этиш дастури ишлаб чиқсинлар, уларнинг Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида экспертизадан ва синовдан ўтказилишини ташкил этсинлар, шунингдек ички электрон ҳужжатлар айланишини бошқариш-бошқич жорий этиш, ахборот ресурсларини Интернет тармоғига жойлаштириш ҳолда уларни шакллантириш ва доимий равишда янгиланувчи бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар;

2002 йилнинг охиригача тегишли давлат бошқарув органлари аппаратларининг масъул ходимларига замонавий компьютер ускуналарида, шу жумладан маҳаллий компьютер тармоқларидан, шунингдек Интернет тизимидан фойдаланган ҳолда ишлагани бошқариш-бошқич ўргатиш тадбирларини амалга оширсинлар.

2002 йилнинг охиригача ўзларининг фаол ишлайдиган веб-саҳифаларини яратсинлар, уларни Интернет тармоғига жойлаштирсинлар ва келгусида уларни мунтазам янгиланувчи бўйсинлар.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари дастурий воситаларни ишлаб чиқиш, провайдерлик, хостинг, Интернет хизматлари кўрсатиш, маълумотларнинг ахборот базаларини, веб-сайтларни шакллантиришга доир хизматлар кўрсатиш, компьютер техникасига сервис хизмати кўрсатиш, маҳаллий тармоқлар яратиш

таклифлар киритсинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2002-2005 йилларда Миллий университет, Тошкент давлат техника университети ва Тошкент давлат иқтисодий университетини ҳузурида ахборот ва компьютер технологиялари соҳасида мутахассислар тайёрлаш бўйича ихтисослаштирилган факультетларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни методологиялар ва кадрлар билан таъминлаш учун молиявий ресурслар ажратилишини назарда тутсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Макroiқтисодий ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги:

«Ўзэлтехнаот» уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда мамлакатимизда компьютер ва улар учун бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш масаласини уч ой мuddатда ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар;

2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурига мувофиқ амалга оширилаган лойиҳаларни Республика инвестиция дастурига киритсинлар.

12. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ва Давлат алоқа инспекциясини жойлаштириш учун Тошкент шаҳар, АҚДнинг кўчаси, 2-уйдаги бинолар комплексини Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига сотиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги мамлакатдаги вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгаришларда қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н.Орипов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И.КАРИМОВ**
 Тошкент шаҳри, 2002 йил 6 июн

БИЗДАН СЎРАТАН ЭДИНГИЗ

нинг навбатдаги меҳнат таътилига чиқарилса-ю, 2 йил моддий жавобгар шахс бўлиб ишласа таътилдан кейин ўз ишига қайтиши мумкинми? Бунда иш берувчининг роли қандай? Бир ходим 2 йил хомашё оморчиси вазифасида ишлади. Кейин таътил сўраб ариза берди. Меҳнат таътилидан сўнг уни асосан корхо-

миз ҳар бир раҳбар ходим ва касабаси уюшма кўмитасининг раиси меҳнат қўнучилигини яхши ўзлаштирган бўлиши зарур.

Амалдаги қонунга асосан барча ходимларга, шу жумладан, ўриндошлик асосида ишлаётган ходимларга, дам олиш ва иш қўбилигини тиклаш учун иш жойи(лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ҳар йили йиллик меҳнат таътиллари берилади. Ҳозирги кунда йиллик асосий таътил ўн беш кундан кам бўлмаслиги керак.

Ходимга йиллик асосий таътил биринчи иш йилида у олти ой ишлагандан сўнг берилади. Шунинг олти ой ўтмасдан олдин ҳам таътил бериладиган ходимлар рўйхати кўрсатилади.

Сиз ўз хатингизда кўрсатиб ўтган Меҳнат кодексининг 92-93-моддаларига биноан фақат унинг розилигисиз бошқа ишга ўтказилган бўлса, ходим ўз лавозимида ишлагани талаб қилишга ҳақиқ. Шунинг учун туман прокуратурасининг ходим таътилидан сўнг ўз ишга қайтиши шарт, деб ёзган протест кучинийдир.

на бош муҳандислик вазифасига кўйдим. Лекин ўзининг ишимни берасиз деб туриб олди. Туман прокуратурасига ёзди. Прокурор қонун бўйича таътилдан кейин ўз ишига қайтиши шарт деб протест хати ёзди.
20.05.2002 йил ходимнинг умумий йиғилишини ўтказиб протест хатни ишлаб чиқдик, 8 нафар ходим эски оморчига қарши



2) Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 153-164-моддаларида ходимларга меҳнат ҳақи тўлаш тартиблари белгиланган.
 Меҳнат ҳақининг миқдори иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.
 Иш берувчининг топшириғига асосан ходим ўзининг розилиги билан навбатчиликда турган бўлса ҳамда иш вақтини

ТАДБИРКОР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИЛМОҚДА

Кунда бир янгилик, кунда бир ўзгариш. Айниқса, тиббийёт соҳасида амалга оширилаётган ишлар барчани қувонтирмоқда. Ўз соҳасининг фидойиси, иқтидорли, малакали шифокорлар саъй-ҳаракатлари билан жойларда хусусий даволаш масканлари ташкил этилаётган. Наманган шаҳрининг Охунбоев кўчасида иш бошлаган «Рефлектор» хусусий шифонаси ана шундай саломатлик масканларидан биридир. Тажрибали шифокор Тожиддин Жалолидинов билан тадбиркор Раҳимжон Долибоев ҳамкорлигининг самараси бўлиши ушбу сихатдоғ халққа малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Хусусий шифонага замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, хориждан келтирилган ташхис ускуналари касалликларни тез ва тўғри аниқлашда қўл келмоқда. Бир-биридан ширинсўз, тажрибали шифокорлар кўмағида беморлар дардларига шифо топмоқдалар.

«Қаеринг оғриси — жонинг ўша ерда» деб тўғри айтишган экан. Кулоғим оғриб қолган «Рефлектор» хусусий шифонаси ана шундай саломатлик масканларидан биридир. Тажрибали шифокор Тожиддин Жалолидинов билан тадбиркор Раҳимжон Долибоевнинг қўллаб-қувватлаши билан Наманганда ҳам мўъжазгина клиника ташкил топди. Бу ерда асосан кулоқ, бурун, томоқ касалликлар даволанади. Ниятимиз намунали хизмат қилиб, эл дардига дармон бўлиш

Соҳиба АЪЗАМОВА, «Ишонч» мухбири.

Дунё ахлининг ихтимой-сий ҳаётидаги энг катта ташвишлардан бири, шубҳасиз, терроризmdir. Инсоният олдидаги бу хавф айни пайтда Европа минтақасида ҳам долзарб бўлиб турибди.

Шу кунларда Франция пойтахти Париж шаҳрида Фарбий Европа Иттифоқи Ассамблеясининг 48-сессияси давом этмоқда. Унда иштирок этаётган ва-

самблеяси 1954 йилда ташкил этилган. Ушбу ташкилот йигирма саккиз аъзо давлатнинг жами 364 парламент вакилини бирлаштириб туради. Фарбий Европа Иттифоқи аъзо мамлакатлар мудофааси ва хавфсизлигини ўрганиш ва назорат қилиш Ассамблеянинг

асосий вазифасидир. Фарбий Европа Иттифоқи ўз ваколатларини Европа Иттифоқига топширган, Ассамблея худди Европа мудофаа ва хавфсизлик Ассамблеяси сингари вақтинча фаолият олиб борадиган бўлди.

раётигини тасдиқламоқда. Бутун Европа бўйлаб турли террорчилик ҳаракатларини уюштиришда асосан «ЭТА» номи террорчилик ташкилоти айбланмоқда.

Испанияда ноқонуний фаолият юритадиган «ЭТА» террорчилик ташкилоти анчадан бунён нафақат мамлакатда, балки унга чегара-

Шарҳловчи минбари

бу икки давлат ўртасида терроризмга қарши курашиш бўйича икки томонлама ҳамкорликни кучайтиришга сабаб бўлди. Бу ҳамкорлик доирасида Францияда полициячилар мамлакат ҳудудида қўлга олинган «ЭТА» жангариларини Испания ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига топширади. Ўз навбатида Испания ҳам ушбу келишувга амал қилмоқда. Шубҳасиз, бу ўзининг самарасини бераётган.

Энди вазият нафақат Франция ва Испания, балки бутун Европа бўйича террорчиликка қарши курашни тақозо этмоқда. Бу борада Фарбий Европа Иттифоқи Ассамблеясининг режаси катта аҳамият касб этади. Мазкур режа ҳаётга қанча тез жорий этилса, шунча яхши, албатта. Зеро, кузатувчилар, минтақа мамлакатларининг бирлашуви террорчилар ва уларни маблағ билан таъминловчи ташкилотларга нисбатан ўта кучли зарба бўлишини таъкидламоқда.

Шаҳноза МАТНАЗАРОВА, ЎЗА шарҳловчиси.

Хотира уйғонса гўзалдир

ГАВҲАР ОПАНИНГ ГАВҲАРЛАРИ

Уша Фарахбахш кунлар эсга тушади. Мен у пайтларда Тошкент телевидениесида ишлардим. Гавҳар Раҳимова «Лазги» ансамблининг раҳбари эди. Опа бир кунни айтиб қолдилар.

— Бир иш қилсак, Эркинжон. Сиз менинг уйимга келсангиз. Муҳаммад Мирзаев ҳам келади. Бир Хоразмча ош қиламиз. «Лазги» репертуари бўйича режаларим бор. Уртоқлашамиз.

— Белгиланган кунни тупланишдик. Ошни ўзимиз қилдик. Опанинг эри Фуломжон ака, атоки бастакор Муҳаммад Мирзаев (уларни Худо раҳмат қилсин) ва камина ҳар биримиз битта ишнинг бошини тутиб (масалан, камина кочегар) ошни эпаккага келтирдик.

Ош ҳам пишди, шунинг баробарида гап ҳам. «Лазги» ансамбли учун туркум кўшиқлар яратадиган бўлдик. Бир ҳафтадан кейин тагин ошга келамиз. Албатта, янги шевр ва янги мусиқа билан (кўшиқнинг йўриғини келишиб олдик).

Уша бир ҳафтада «Лазги» кўшиғи тайёр бўлди. Кейинги ҳафтада «Мактуб» кўшиғи ва ҳоказо. Бундай ижодий ҳамкорлик, ош устида ишларнинг битиб кетиши Гавҳар опанинг услубларидан экан.

1939 йилда Гавҳар Раҳимова биринчи бор Хоразмга боради. Мақсад — гармончи қизлар ансамблини ташкил этиш. Қўлида уч ойлик кизалоғи. «Урганч» мехмонхонасида жойлашадиган Мадраим Ёқубов Шерозий, Матқуб Хоратов каби етук санъаткорларнинг дарагини топади.

Шерозий хонадонидан бир пибла чай устида ансамблини тузиш режаси пиштилди. Шерозий уста биринчи бўлиб гармон чалиб, Хоразмда уни жорий этган эмасми, қизлардан кимларнинг унга қўли келади-ю кимлар кўшиқ эсади, кимлар ташкилотчилик қилади — бариини айтиб берди. Матқуб Хоратов эса шунинг ўзидаёқ янги кўшиқ судурини яратди.

Ҳажринг тунда йиғлабон чашмигни

нам этдим, **Гамгинлигим афсун онга қаҳримни зам этдим.**

Орадан кўп ўтмай бу кўшиқ янги ансамблининг репертуаридан жой олди. Шу ўринда озгина чекиниш қиламиз. Уруш арафасида Хоразмда бир талай санъаткорлар етишиб чиққан, уларнинг довуқлари узоқ-яқинларда тарқалган эди. Ҳожихон Болтақилсин, Комилжон Отаниёзов, Қурбон ота Исмоилов, Сафо Муғаннийлар атрофида кўп истеъодли ёшлар уюшган эди. Шулар қаторида Гавҳар опанинг диққатини кўпроқ тортган нарсаси — Хива халқлари бўлди.

Шоира халфа Ожизанинг қўлида гармон сайрайди. Йўл-йўлакка шевр битида-ю шу заҳоти уни куйга солади. Шу заҳоти ижро ҳам этади. Анаш халфа (Онажон Собирова) ҳам худди шундай.

— Анаш халфанинг яна бир зўр хислатини биласизми, — сўрайди менадан Гавҳар опа ва ўзи жавоб беради. — Анаш халфа Хоразм рақсларининг якто устаси эди. Қизларга рақсларни ўргатиб, уларни сахнага олиб чиққан ҳам ана шу Анаш халфа бўлади. То унганча кўпчилик қатнашадиган рақсларни фақат эркеклар ижро этиб келган. Эшитган бўлсангиз керак, қизларни халқ орасида ўйнатгани учун бир гуруҳ зўравонлар Анаш халфани қолга солиб урганлар ҳам.


Сухбат тагин гармончи қизлар ансамблига бориб тақалади. Қисқа муддатда жамоа шаклланди. Унинг энг кичик аъзоси Ровия Отажоновна ўн уч ёшда эди, бешинчи синфда ўқирди. Ундан каттароқлари уч Бика (бири Хивадан, иккинчиси Урганч ва яна бирлари Қўшқўпир туманидан) бўлиб, ўқтам ларчилар эди. Сорохон Оллаберганова (кейинчалик Ўзбекистонда хизмат қўсатган артист), Пошшажон Матқубова-

лар ижоди тезда оғизга тушди.

Орадан бор-йўғи уч ой ўтди.

Гармончи қизлар ноябр ойида Тошкентга келиб концерт бердилар. Концерт бўлганда унча-мунча эмас, овозаси узоқларга кетган концерт.

Қизлар гармонларини кўтариб Гавҳар Раҳимова бошчилигида фронтга жўнадилар.



Пойтахтдаги Замонавий санъат марказида «Беғубор болалик» танлов кўргазмаси ўтказилди. Танловда 3 дан 6 ёшгача, 7 дан 9 ёшгача ва 10 дан 13 ёшгача бўлган

БЕҒУБОР БОЛАЛИК

болалар иштирок этишди. Эндигина икки ёшга тўлган Сарре Жазири танловнинг энг ёш қатнашчиси, деб топилди. Кизалоқ чизган расми томоша қилар экансиз, болаликнинг беғуборлигига яна бир бор амин бўласиз.

Танловда бир йўла 25 бола фойдаланди. Фойдаланган Бизнес банк, Бадий Академия ҳамда Замонавий санъат марказининг махсус совғалари топширилди.

ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Бу энди алоҳида сўҳбат.

Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Раҳимова таваллудининг 90 йиллиги кунларида гап орасида мен ундан сўрадим:

— Уша гармончиларингизни ҳозир ҳам кўриб турасизми?

— Э, улар менинг бойлигим-гавҳарларим, ҳали-ҳануз уйимга келишади денг. Она-боладакмиз. Аммо айримлари оламдан ўтди. Сорохон Оллаберганова кўп ажойиб санъаткор эди. Бандлақ экан. Утганларни Худо раҳмат қилсин!

Гап айланиб бундан ўттиз йил олдин опанинг уйда бўлган гурунларга қайтади.

— Хоразм гуручим бор. Лазур деган. Келинг, ҳам ошхўрлик, ҳам янги кўшиқ дегандай... Айтгандай «Лазги» шеъридаги кўп мисраларни ҳали-ҳануз ўзимча хиргойи қилиб юраман:

- Наҳордек жилвагар, сернос,**
 - Баҳордек дурмиши пардоз,**
 - Вафодек нодиру мумтоз,**
 - Амудек ибтидо Лазги!**
- Эркин САМАНДАР.

СЎЗ ҚАДРИ

Хар канча доно бўлсанг ҳам, ўзингни нодон туттил, токи сенга илм ўрганиш эшиги очик бўлмай. Агар сўзни ва илмини яхши билсанг ҳам, ҳеч бир сўзни бузма, тўғри таърифта. Сўзни бир хил гапир. Амалдорлар билан амалдорлардек, оддий одамлар билан оддий одамлардек сўзлашгил, (бундай вақтда ҳам) донишмандлик чегарасидан чиқма, сенинг сўзинг эшитган кишига оғир туолмасин, (агар шундай бўлмаса) сенинг сўзингни ҳужжат ва далил билан ҳам эшитмайдилар, (бундай вақтда) уларнинг розилигига қараб сўзлаш, (шу билан сен ўша шароитдан) саломат қолсан.

Эй фарзанд, агар сен хар канча нотик бўлсанг ҳам, ўзингни билганлардан бастрак туттил, токи сўз билимдонлиги вақтда бекор бўлиб қолмагандан. Кўп бил-у, оз сўзла; кам билсанг, кўп сўзлама, чунки аксиз киши кўп сўзлайди, деганларки, жим ўтириш саломатлик сабабидир. Кўп сўзловчи акли одам бўлса ҳам, халқ уни аксиз дейди ва аксиз киши жим ўтирса, одамлар акли ҳисоблайдилар. Агар сен жуда ҳам пок, ёмон ишлардан ўзингни сакловчи бўлсанг ҳам, ўзингни мактамагил, чунки ўз фойданг учун гувоҳ бўлсанг, сени ҳеч ким эшитмайди, ҳаракат қили, халқ сени мактасин ва шундай сўзлагилки, бу сўз сенга фойда келтирсин, бекор ва зое кетмасин.

«Кобуснома»дан.

ЯНГИЧА ЁНДОШУВ

Муסיқа дарси машғулотларини янги педагогик технологиялар асосида олиб бориш соҳасида Тошкент вилояти мактабларида дастлабки тажрибалар ортирилмоқда. Бундай намунали ўқув жараёнларидан бир нечтаси видеofilm янглиг суратга олинди. Улар Янгийўл туманида ўтказилган. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури иккинчи босқичини адо этиш: «Муסיқа фанини ўқитишга янгича ёндашув» деган мавзудаги семинарда кўрсатилиб, атрофлича муҳокама қилинди. Чирчиқ шаҳрида 3-мактаб муסיқа ўқитувчиси Алексей Афанасьев эса ўз иш тажрибаси ҳақида гапириб берди. Нота ёзувларини осон ўзлаштиришда компьютер қурилмасидан фойдаланиш афзалликларини амалий иш мисолида кўрсатди.

Семенарда муסיқа дарсини ўтишда кўшиқлар тўплами, аудиокассеталар, методик тавсияларнинг тутган ўрни хусусида маърузалар тингланган.

А.АЛИЕВ.

БИР-БИРИДАН ШИДДАТЛИ, ЖОЗИБАЛИ



Қуръа натижаларига кўра гуруҳлар аниқланган, озгина бўлса-да, футболга алоқадор одам борки, Аргентина, Нигерия, Англия ва Швеция терма жамоаларининг бир гуруҳга тушиб қолишини ҳам ҳайрат, ҳам қизиқиш, ҳам ачиниш туйғулари билан кутиб олгани бор гап. Чиндан-да, ҳар бири исталган гуруҳ қарвонбошиси бўлишга муносиб ҳамда буни исботлаш учун етарли куч ва салоҳиятга эга жамоаларнинг боши бир қозонда қайнашни кўпчилик кутмаган эди.

Қарор қатъий, шикоятга ўрин йўқ, деганларидек, 2 июнда ўтказилган илк учрашувлардан ўзига яраша сабоқ чиқариб олган жамоалар кеча яна майдон узра ўзларининг нималарга қодир эканликларини исботлашга уриниб кўрдилар. Бу гал Швеция-Нигерия ҳамда Аргентина-Англия жуплигида ўзаро ора очди қилинди. Дастлабки ўйинда муҳлислар шведларнинг шимолликларга хос совуққонлиги ўрнида қизиққонлик кўринишларидан завқ-шавқ олган холда африкаликларнинг шимолликларга хос «акл билан» тўп суришларидан баҳра толган бўлсалар, кейинги ўйинда содир этилган ҳаяжонли лаҳзаларни ҳали узоқ вақт хотирадан ўчирилмай юрсалар керак.

Хуллас, баҳс қутилганидан ҳам шиддатли кечди. Бир ярим соат ва ҳакам томонидан қўшиб берилган дақиқалар гўё кўз юмиб очгунча фурсатда ўтиб кетгандек тасаввур қолдирганидан ҳам билишгингиз мумкинки, учрашув баҳосига яраша ўйин намойиш этилди. Чунки Англия учун бу ўйинда маглубиятга учраш уйга қайтиш учун жомадонларни йиғиштиришни аңглатса, Аргентина учун

эса кўлга киритилган ғалаба кейинги босқичга йўлланма нақд бўлишини билдирди. Зеро, нафақат Япониянинг Сендай шаҳри, балки бутун футбол олами шу кунни ушбу «жанг»ни интиқлик билан кузатишди, десак муболага эмас.

Барча нигоҳлар «Ф» гуруҳига қаратилган шу кунни «В» гуруҳида ҳам муҳим учрашувлардан бири бўлиб ўтди. Илк ўйинда 2:0 ҳисобида олдинда бора туриб охир оқибатда Жанубий Африка Республикаси футболчиларининг хужумларига дош беролмай, дуранга имзо чекишдан бўлак чора тополмаган Парагвай термаси эса Испаниянинг моҳир «чарм тўп» усталарига қарши майдонга тушди. Омад, кутилганидек, Пириней ярим ороли вакилларига кулиб боқди. Тажрибали дарвозабон Хосе Луис Чилавертнинг уринишлари ҳам зое кетди. Бошқача айтганда, шу кунни Хосе Антонио Камачо шогирдларини тўхтайтиб қоладиган куч йўқ эди.

Ишқибоз ён дафтарига

«Ф» гуруҳи
Швеция - Нигерия — 2:1
Аргентина - Англия — 0:1

«В» гуруҳи
Испания - Парагвай — 3:1
Шундай қилиб, Испания термаси 32 жамоа орасида биринчи бўлиб нимчорак финалга йўл олди.

Қилмиш-қидирмиш

хар Улугбек кўчаси 30-уйда яшовчи Бибараҳаб Усмоновдан 125 минг сўмлик узукларини қайта тузатаман, деб, яна 45 минг сўм пулини қўл ҳаққи деб олиб қолди.

Гиёҳвандликка берилган заргар ҳеч нимани ўйламай қўйди. У юқоридаги айтилган миқозларининг узук ва пуллари

«Наврўз» шахарчасидан Н.Бердиева 40 минг сўмлик, Урганч тумани Сотим Каландаров номи жамоа ҳўжалиги 10-бригадасидан К.Оразова эса 370 минг сўмлик, Фирдавсий кўча 16-уйда истикомат қилувчи М.Жуманиёвонинг 385 минг сўмлик, Ҳазорасп туманидан П.Собировнинг 85 минг сўмлик тилла буюмлари ва пуллари шу тарика исзиз гумдон бўлди.

Шу йилнинг март ойида Урганч шахар жиной ишлар бўйича суди биносида ўтказилган суд мажлиси фирибгарнинг фаолиятига чек қўйди ва унга тегишли жазо қўйлади.

Айбдор-ку, ўз жазосини олди. Лекин ўзининг тилла буюмларини, пулларини гиёҳвандга ҳеч қандай далил, исботу кириб қоғозсиз топширган лақмаларга нима дейсиз? Бу аёллар ўз соддалиги билан лақмалари билан фирибгарнинг тегиримонини айлантирган эмасмиканлар? Тўғри, Икром билан гаплашиб турган миқоз уни қўй оғзидан чўп олмайдиган мўмин, содда йигит деб ўйлайди. Аслида эса...

Шу ўринда доно халқимизнинг молинга маҳкам бўл, қўшининг омонда, деган сўзини эслатиб қўйишни истардик.

Эркин ЭРМАТОВ, «Ишонч» муҳбири.

Икром гиёҳвандликка ружу қўйди-ю, аста-секин яхши фазилатларини йўқота бошлади. Ювощ, меҳнаткач, ростғўй бола тунлари алламаҳалгача қаёқлардадир дайдиш одатларини чиқарди.

Дадаси ўғлини тартибга чақириб, унга сотасолиқни, заргарлик касбларини ўргатди. Зехни бинойидек ўйил тевда бу касбларни эгаллаб олди, лекин у эски одатини қанда қилмади. Ҳатто уйдаги нарсаларни ҳам пуллаш одатини чиқарди. Ота ҳайрон, она ҳайрон. Ўғлини бу гирдобдан кутқариш учун, зўр бериб уринишди, ялиниб ёлворишди, барибир бўлмади. Ҳатто наркодиспансерга олиб бориб, даволатиб кўришди, фойдаси теғмади. Ота ўғлига охириги шартини қўйди:

— Ё дорини ташлайсан, ё уйдан кетасан, тамом-васалом.

Орадан бир ҳафта ўтгач, ота ўғлини кўриб келиш учун устахонага борди. У турки совуқ бир улфати билан дорини тортиб ўтирарди. Куйи кетган ота жаҳл устида ўғлини бир-икки тарсаки уриб, улфати билан бирга устахонадан ҳайдади. Уша кунни хонадоннинг 18 минг сўм пули йўқолди. Шушу Икром уйда қорасини кўрсатмай қўйди.

Лекин Икром «кўча»да қолмади. Унга «улфатлари» Урганч давлат дорилфунуни яқинида мўъжазгина устахона қуриб беришди. У бу ерда ота касби — заргарлик билан шуғуллана бошлади. Келган миқозларнинг авзойига қараб иш тутди. Фириб беришни Урганч тумани «Ғалаба» жамоа ҳўжалигида яшовчи Насиба Йўлдошевдан бошлади. У қилмади. Ҳатто уйдаги нарсаларни ҳам пуллаш одатини чиқарди. Ота ҳайрон, она ҳайрон. Ўғлини бу гирдобдан кутқариш учун, зўр бериб уринишди, ялиниб ёлворишди, барибир бўлмади. Ҳатто наркодиспансерга олиб бориб, даволатиб кўришди, фойдаси теғмади. Ота ўғлига охириги шартини қўйди:

ЯРИМТА ШЎРВА ТАБИБ

Юсуфжон қизиқ ошхонада овқатланиб ўтирарди. Унинг столига бир хўранда келиб ўтирди ва яримта шўрва буюрди. Овқат келгач, кавлаб-кавлаб гўшт топа олмади ва официант аёлни чақирди.

- Бунинг гўшти қани?
- Официант шошиб қолди.
- Билмадим, узр...
- Юсуфжон қизиқ хўрандадан сўради:
- Сиз яримта шўрва чақирган эдингизми?
- Ҳа.
- Яримта шўрва бўлиши учун битта шўрва иккига бўлинадими?
- Шундай.
- Баракалла. Сизга биринчи яримини олиб келишган. Гўшти эса, иккинчи ярмида қолган... У ёғи ошпазда.

Юсуфжон қизиқ ҳикоя қиладди:

Табиб кеча муолажа қилган беморидан хабар олгани келса, дарвоза олдида тумонот тўпланиб турибди. Табиб беморнинг мотамсаро ўғлига учради.

- Нима гап?
- Дорингиз кор қилмади, табиб, дадамдан айрилиб қолдик, - йигларди ўғил.
- Табиб ўзини йўқотмай, саволга тутди:
- Дадангиз жон беришидан аввал терладими?
- Ҳа, терлади.
- Демак, дори кор қилибди, - деди хотиржамлик билан табиб.

ҲАММОМ ҲАҚИ

Юсуфжон қизиқ Марғилонда «Шифойи» ҳаммомига му-

Юсуфжон қизиқ ҳангомалари

дирлик қилар эди.

Содир айно деган одам ўғли билан ҳаммомга тушди-ю, ҳаққини тўламай чиқиб кетаверди.

— Ҳэй, айно, пули-чи, пули? - кулди Юсуфжон қизиқ унинг ортидан.

Содир айно пинагини бузмай, саволга савод билан жавоб қайтарди.

— Утган ҳафта тушганимизда пулини қўяверинглар, деган эдингиз-ку?

— Шунга ҳам ақлингиз етмадими? - деди Юсуфжон қизиқ. - Утган ҳафта сиз молия мудири билан тушганимиз. Бу сафар эса бекорчи-хўжа ўғлингиз билан...

Тўловчи: Ҳамид УСМОНОВ.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаб
уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Ҳатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.10

Маълумот: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерда терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табақ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Буюртма Г— 519. 1 2 3 4 5 6